

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЁРОВ ЛАЗИЗ НИЁЗОВИЧ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ**  
**РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**  
**(ҚАРШИ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Худоёров Лазиз Ниёзович**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг  
ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Қарши шаҳри  
мисолида)..... 3

**Худоёров Лазиз Ниёзович**

Эконометрическое моделирование развития деятельности малого  
бизнеса и частного предпринимательства (на примере города  
Карши)..... 25

**Khudoyorov Laziz Niyozovich**

Econometric modeling of development of small business and private  
entrepreneurship (on the example of the Karshi city)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЁРОВ ЛАЗИЗ НИЁЗОВИЧ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ**  
**РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**  
**(ҚАРШИ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt705 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг  
веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz)  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухитдинов Худаяр Суёнович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Салаев Санъатбек Камилович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Аюбжонов Аббос Ҳосилович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**


Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03  
рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» июль соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади.  
Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00;  
факс(99862) 224-57-00; e-mail: info@urdu.uz


Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин (0.20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри,  
Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «7» июль кuni тарқатилди.

(2021 йил «7» июль даги 10 рақамли реестр баённомаси).



  
**И.С.Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

  
**Ш.Б.Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, и.ф.н., доцент

  
**Б.Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодий тараққиётнинг изчил ва барқарор омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) алоҳида ўрин тутди. КБХТни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий омиллар билан биргаликда бугунги дунё ҳамжамияти олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳондаги ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари умумий корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортиғини иш билан таъминлайди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Францияда 62 фоиз, Италияда 60 фоиз, Германияда 69 фоиз, Буюк Британияда 53 фоиз, АҚШда 52 фоиздан иборат. Шунингдек, бу давлатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг кичик бизнесда банд бўлганлар улуши Францияда 61 фоиз, Италияда 79 фоиз, Германияда 63 фоиз, Буюк Британияда 53 фоиз, АҚШда 41 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда КБХТ жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Жаҳонда кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳон иқтисодиётида тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида КБХТ фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди<sup>2</sup>. 2030-йилгача бўлган даврда КБХТни ривожлантириш стратегиясининг мақсади иқтисодиётнинг ушбу секторини ижтимоий ва хавфсизлик омилларидан бири сифатида ривожлантиришдир. КБХТни ривожлантириш бандликнинг изчил юқори даражаси, шунингдек инновацион ривожланиш ва иқтисодиётнинг тармоқ тузилмасини такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар

<sup>1</sup> <https://stolypin.institute/wp-content/uploads/2018/07/issledovanie-ier-msp-27.07.18.pdf>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармони, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида», 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик олимларнинг илмий ишларида КБХТ назарияси, моделлаштириш ва башоратлашга эконометрик ёндашув, уни амалиётга тадбиқ этиш масалалари кенг ёритилган ҳамда асослаб берилган. Хусусан Ж.Сэй, Й.Шумпетер, Ж.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Хайек, М.Лапуста, Ю.Старостин, К.Макконнелл, С.Брю, Н.Артамонов, В.Афанасьев, Э.Берндт, М.Вербик, Д.Дайитбегов, Ж.Вулдридж<sup>3</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Шу билан бирга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларида КБХТ соҳасини тадқиқ этиш бўйича Г.Ш.Абдуллаев, В.М.Власова, А.Раиский, А.Шестаков, Н.Е.Егорова, В.М.Савченко, В.М.Шепелов, М.А.Федотова, И.Толмачев, С.Станислав, А.Виленский, С.Валдайцев, А.Андреев<sup>4</sup> ва бошқалар

<sup>3</sup> Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. 1985. – 55 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1985. –159 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: Прогресс, 1991. – 223 с.; Хайек Ф. Дорога к рассвету – М.: Экономика, 1992. – 91 с.; Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. М.: Инфра-М, 1997. – С. 87.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. В 2-х т. Т-1. – М.: Инфра-М, 2003. – 399 с.; . Артамонов, Н. В. Введение в эконометрику.- М.: МЦНМО, 2015. - 204 с.; Афанасьев, В. Н. Эконометрика. - М.: Финансы и статистика, 2017. - 256 с.; Берндт, Эрнст Практика эконометрики. Классика и современность. - М.: Юнити-Дана, 2016. - 848 с.; Вербик, Марно.Путеводитель по современной эконометрике. - М.: Научная книга, 2018. - 616 с.; Дайитбегов, Д. М. Компьютерные технологии анализа данных в эконометрике. - Москва: ИЛ, 2015. - 592 с.; Wooldridge, J. M. Econometric analysis of cross section and panel data / J. M. Wooldridge. - 2nd ed. - MIT press, 2010.

<sup>4</sup>Абдуллаев Г.Ш. Математическое моделирование развития малого бизнеса в регионах России. Кан.экон.наук.дисс.-М.:2004. -159 с.; Власова В.М. Основы предпринимательской деятельности. – М.: Финансы и статистика. 1996 – 106 с.; Раиский А. Экономика предприятия. – М.: Маркетинг. 2000. – 696 с.; Шестаков А. Предпринимательская деятельность. – М.: 2000, – 263 с.; Егорова Н.Е. Моделирование деятельности малого предприятия // Экономика и математические модели. Том 35, №2, 1999. – 67-69 с.; Савченко В.М. Феномены предпринимательства. // Рос.экон. журнал. – М.: 2006. №9. - 46 с.; Шепелов В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. – Т.: Фан, 1998. – 177 с.; Федотова М.А. Доходы предпринимателя. – М.: 1993. – 235 с.; Толмачев, И. А. Все о малом предпринимательстве. - М.: РОСБУХ, ГроссМедиа, 2017. - 424 с.; Сметанин, Станислав История предпринимательства в России. - М.: КноРус, 2018. - 441 с.; Виленский, А.В. Макроэкономические институциональные ограничения развития российского малого предпринимательства. - М.: Наука, 2017. - 814 с.; Валдайцев, С. В. Малое инновационное предпринимательство: моногр.. - М.:

илмий изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда КБХТнинг умумий муаммолари, эконометрик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш масалалари С.С.Фуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов, Т.Ш.Шодиев, Б.Рузметов, Ё.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Б.К.Ғойибназаров, М.Р.Болтабаев, Т.Дўстжанов, О.Кенжабоев, О.Рихсимбоев, А.Б.Югай, Х.С.Мухитдинов, И.О.Улашев, Н.Б.Ашурова, С.К.Салаев, Н.Қ.Муродова, И.С.Абдуллаев, М.А. Гулманов, Ж.Ж. Урмонов, Ҳ.Н. Бақоев<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан иқтисодийни модернизациялаш шароитида ҳудудий тадбиркорлик фаолиятини кенг қамровли статистик усуллардаги таҳлилини такомиллаштириш, иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи омилларни эконометрик моделлар асосида баҳолаш ҳамда прогнозлаш масалалари тизимли ҳолда ёритилмаган, айрим ҳудудлар хусусиятлари ўрганилиши билан чекланилгани ҳолда айнан Қарши шаҳри алоҳида тадқиқот объекти сифатида тўлақонли ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ОТ-Ф1-154 рақамли «Миллий иқтисодий таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини

---

Прспект, 2015. - 538 с.; Андреев, Алексей Магия предпринимательства. Русские традиции делопроизводства: моногр.- М.: ИГ "Весь", 2016. - 416 с.

<sup>5</sup> Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 2008.-365 б; Шодиев Т.Ш., Ходиев Б.Ю. и др. Эконометрика. учеб. пособие. – Т.: Шарқ . 1999 -240 с.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. и.ф.д. илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация иши. –Т.:ТДИУ, 2001.-330.; Рузметов Б. Оптимизационные задачи многоагрегатных комплексов. Модели, методы решения, программные модули. - Т.: Фан, 2010.; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. - 349 б.; Алимов Р.Х. ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2004. - 320 б.; Ғойибназаров Б.К., Болтабаев М.Р. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, 2010. – 275 б.; Т.Дўстжанов Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.- Урганч.: Хоразм, 1997.; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: икт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.:ТДИУ, 2005–39 б.; Рихсимбоев О.К. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини эконометрик башоратлаш.: икт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.:ТДИУ, 2002. –22 б; Югай А.Б. Моделирование процессов управления развитием производства предприятий малого бизнеса.: икт.фан. номз. дисс.автореф. –Т.: ТДИУ, 2004. –22 б; Мухитдинов Х.С. Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. –Т.: Фан, 2009. . Улашев И.О. ва бошқалар. Саноатлашган ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновациявий ривожланиши: монография–Н.: А.Навоий –152 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш. икт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.:БМА, 2018–72 б., Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, услубий ва амалиёт. Монография. Тошкент.: “Фан”, 2007. 241 бет.; Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб - қувватлашнинг иқтисодий механизмининг такомиллаштириш. Икт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.: ТДИУ, 2016-74б.; Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. Икт.фан. докт. дисс.автореф. – Т.: 2017-67 б.; Гулманов М.А. Кичик бизнес кооперацион алоқаларини эконометрик моделлаштириш (Хоразм вилояти мисолида). икт.фан. ном. дисс.автореф. – Т.: ТДИУ, 2011-24 б.; Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш масалалари: Монография /; Т.: —Iqtisod-Moliya, – 2018. 240 б.; Бақоев Ҳ.Н. Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг эконометрик тадқиқи (Навоий вилояти мисолида). Икт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. Т.: 2020-60 б.;

баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017-2020 йй) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қарши шаҳрида КБХТ фаолиятини моделлаштириш асосида устувор йўналишларини аниқлаш ва барқарор ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Белгиланган тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

КБХТ ривожланишини эконометрик моделлаштириш самарадорлиги ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

КБХТни ривожлантиришда, ҳудудий шарт-шароитлар, уларга таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиб, КБХТни эконометрик моделлаштиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш;

Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари фаолиятининг ривожланганлик даражаси, инвестиция муҳити, тадбиркорлик салоҳияти ҳамда самарадорлик кўрсаткичларини панел маълумотлар асосида статистик баҳолаш;

КБХТнинг ҳозирги ҳолати, динамикаси ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш мақсадида статистик кўрсаткичлар тизими ва уларнинг эконометрик моделларини такомиллаштириш;

минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси асосида Қарши шаҳрида КБХТни ривожлантиришнинг ўрта муддатли (2021-2025 йй) прогноз вариантларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қарши шаҳридаги КБХТ фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қарши шаҳридаги КБХТ фаолиятининг ривожланиш тенденциялари, ривожланишини моделлаштириш ва прогнозлаш жараёнларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида абстракт-манتيқий фикрлаш, комплекс ёндашув, тизимли ёндашув, умумий илмий ва статистик усуллар, иқтисодий ва математик моделлаштириш элементлари, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

КБХТ тараққиётини таъминлашда унга таъсир қилувчи банд бўлганлар, инвестиция муҳити каби омилларнинг панел маълумотлари ва регрессиясига кўра чизиқли эконометрик модели ишлаб чиқилган;

Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари фаолиятининг ривожланиш самарадорлигини фаоллик ва яшовчанлик ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектларининг ривожлантириш механизми такомиллаштирилган;

КБХТ субъектлари тараққиёти билан боғлиқ рискларни муайян шароитларда яшаб қолиш таваккалчилиги ва ёпилиб кетиш сабабларини аниқлашда тадбиркорликка мойиллик даражаси коэффицентини топиш усуллари такомиллаштирилган;

Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари тараққиётини ифодаловчи муҳим



индикаторларнинг ўрта муддатли 2021–2025 йиллар учун кўп вариантли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

КБХТ фаолиятининг ривожланиши ва асосий тенденцияларини моделлаштиришнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

Қарши шаҳридаги КБХТнинг ҳозирги ҳолати, динамикаси ва ривожланиш тенденцияларини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилган;

Қарши шаҳридаги КБХТ фаолияти ривожланишининг кўп омилли эмпирик моделлари тузилган;

эконометрик моделларни қўллаш асосида Қарши шаҳридаги КБХТнинг ривожланишини кўп вариантли прогнозлари ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, бунда расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, халқаро ташкилотлар статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар масъул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти КБХТ фаолияти ривожланишини эконометрик моделлаштиришнинг назарий-услубий жиҳатдан такомиллашуви, мақсадли илмий изланишларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Қарши шаҳрида КБХТ фаолиятини ривожлантириш ҳамда прогнозлашда, соҳани янада самарали ривожлантириш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқишда, шунингдек, назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида “Статистика”, “Эконометрика асослари”, “Иқтисодий математик моделлар ва усуллар” каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қарши шаҳридаги КБХТнинг ривожланишини эконометрик моделлаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

КБХТ тараққиётини таъминлашда иқтисодиёт тармоқлари кесимида кичик бизнес улуши ва нисбатларининг таъсири эконометрик моделлар асосида баҳолашни эконометрик моделлаштиришнинг услубий жиҳатлари КБХТ субъектларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатасининг 2021 йил 2 февралдаги 11/02-16-1100-сон маълумотномаси). Натижада КБХТ фаолиятини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган истикболли прогнозлар ишлаб чиқиш, ҳудудларда КБХТ муҳитининг шаклланишини, ҳудудий-иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик даражасига таъсирини эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш имкониятини берган;

Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари фаолиятининг ривожланганлик даражаси, тадбиркорлик салоҳияти ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари (фаоллик ва яшовчанлик коэффициенти, меҳнат ресурсларининг

тадбиркорликка мойиллик даражаси) статистик таҳлил усуллари асосида баҳолаш бўйича таклифи Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатасининг 2021 йил 2 февралдаги 11/02-16-1100-сон маълумотномаси). Натижада Қарши шаҳридаги КБХТ фаолиятининг ривожланишини мониторинг қилиш, статистик таҳлил қилиш ҳамда инвестиция муҳити ва тадбиркорлик салоҳиятининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш имкониятини берган;

КБХТ субъектлари тараққиёти билан боғлиқ рискларни муайян шароитларда яшаб қолиш таваккалчилиги ва ёпилиб кетиш сабабларини тақсимот қонунлари асосида аниқлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифи Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатасининг 2021 йил 2 февралдаги 11/02-16-1100-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётда жорий қилиниши натижасида келгуси илмий тадқиқот ишларда КБХТнинг ривожланиш динамикаси ва тенденцияларини баҳолашда статистик кўрсаткичлар тизимини ва уларнинг эконометрик моделларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари тараққиётини ифодаловчи муҳим индикаторларнинг ўрта муддатли (2021-2025 йй.) прогноз кўрсаткичлари кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатасининг 2021 йил 2 февралдаги 11/02-16-1100-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Қарши шаҳрида КБХТнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олиб, ҳудудлардаги КБХТнинг ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилга бориб 2019 йилга нисбатан 1,99 баробарга ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақолалар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 118 бетни ташкил этади.





**1-расм. КБХТнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар<sup>6</sup>.**

Жорий вақтли тенгламалар тизими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\begin{cases} \gamma_{11}Y_{1i} + \gamma_{12}Y_{2i} + \dots + \gamma_{1n}Y_{ni} + \beta_{11}X_{1i} + \beta_{12}X_{2i} + \dots + \beta_{1m}X_{mi} = \varepsilon_{1i} \\ \gamma_{21}Y_{1i} + \gamma_{22}Y_{2i} + \dots + \gamma_{2n}Y_{ni} + \beta_{21}X_{1i} + \beta_{22}X_{2i} + \dots + \beta_{2m}X_{mi} = \varepsilon_{2i} \\ \dots \\ \gamma_{ni}Y_{1i} + \gamma_{n2}Y_{2i} + \dots + \gamma_{nn}Y_{ni} + \beta_{n1}X_{1i} + \beta_{n2}X_{2i} + \dots + \beta_{nm}X_{mi} = \varepsilon_{ni} \end{cases} \quad (2)$$

Бу ерда  $Y_{gi}$ ,  $g=1, \dots, n$ ,  $i=1, \dots, N$ , ўзгарувчилар эндоген,  $X_{ji}$ ,  $j=1, \dots, m$ ,  $i=1, \dots, N$  ўзгарувчилар экзоген сифатида олдиндан аниқланган эндоген ўзгарувчиларнинг логланган қиймати ҳисобланади<sup>7</sup>.

(2) тенгламалар тизимининг битта  $g$ -структурали тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$Y_{gi} = \gamma_{g1}Y_{1i} + \gamma_{g2}Y_{2i} + \dots + \gamma_{gg-1}Y_{g-1i} + \gamma_{gg+1}Y_{g+1i} + \dots + \gamma_{gn}Y_{ni} + \beta_{g1}X_{1i} + \beta_{g2}X_{2i} + \dots + \beta_{gm}X_{mi} + \varepsilon_{gi}, g = \overline{1, n} \quad (3)$$

Тенгламада чапда  $g$ -эндоген ўзгарувчи, ўнг томонда эса қолган эндоген ўзгарувчилар ва  $X_{ji}$ ,  $j=1, \dots, m$ ,  $i=1, \dots, n$  олдиндан аниқланган ўзгарувчилар.

Шунингдек  $g$ -структурали тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Y_{gi} = \pi_{g1}X_{1i} + \pi_{g2}X_{2i} + \dots + \pi_{gm}X_{mi} + v_{gi}, g = \overline{1, n} \quad (4)$$

Юқоридагиларга асосланган ҳолда (1) формула қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y_g = Y_g \gamma_g + X_g \beta_g + \varepsilon_g, g = 1, \dots, n, \quad (5)$$

<sup>6</sup>Муаллиф ишланмаси

<sup>7</sup>Абдуллаев Г.Ш. Математическое моделирование развития малого бизнеса в регионах России. Кан.экон.наук.дисс.-М.:2004. -159 с.

Бу ерда  $u_g$ - вектор,  $Y_g$  - тенгламанинг эндоген ўзгарувчилари устидан  $N \times (n-1)$  кузатувлари матрицаси;

$\gamma_g$  -  $(n-1) \times 1$  вектор параметрлари;

$X_g$  -  $g$  тенгласига киритилган олдиндан аниқланувчи ўзгарувчилар устидан кузатувлар  $N \times m$  тартибининг матрицаси;

$\beta_g$  -  $m \times 1$  вектор параметрлари;

$\varepsilon_g$  - вектор хатолик.

Панел маълумотлари асосида Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва туманлар кесимида КБХТ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ЯХМ улушига қўшган ҳиссасини ва унга таъсир этувчи омиллар билан бирга эконометрик таҳлил ўтказилди. Бунда Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва туманлар кесимида КБХТ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ЯХМ улушига қўшган ҳиссаси –  $Y$ ; саноатдаги КБХТнинг улуши -  $X_1$ ; қишлоқ хўжалигида КБХТнинг улуши -  $X_2$ ; қурилиш соҳасида КБХТнинг улуши -  $X_3$ ; ва савдо соҳасида КБХТнинг улуши -  $X_4$  деб белгилаб олинди.

Танлаб олинган натижавий ва таъсир этувчи омилларнинг 2017–2020 йиллардаги панел маълумотларидан фойдаланиб қуйидаги модел ҳосил қилинди:

$$Y = 56,838 + 0,031 * X_1 + 0,125 * X_2 + 0,017 * X_3 + 0,016 * X_4 \quad (6)$$

(t<sub>ҳис</sub>) (3,339)      (1,601)      (0,735)      (1,032)      (0,598)

Ҳосил қилинган модел баҳолаш мезонлари асосида Стюдент мезони бўйича баҳолаш натижасида ҳар бир коэффициент текширилганда жадвал қийматидан кичик қийматларни берди, бу эса коэффициентларнинг нобарқарор эканлигини кўрсатди. Аммо, Фишер мезони ҳисобий қийматининг ( $F_{\text{ҳис}}=193.626$ ) жадвал қийматидан катталлиги, Дарбин-Уотсин мезони қийматининг 1,615 га тенглиги бу мезонлар қиймати аҳамиятлилигини билдиради. Шунингдек, бошқа мезонлар қиймати текширилганда аҳамиятли бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган усулнинг бошқа объектларда қўлланилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари (6) шуни кўрсатадики, вилоятдаги шаҳар ёки туманлар бўйича КБХТнинг саноатдаги улуши 1 фоизга ошса ҳудудларнинг КБХТнинг вилоят ЯХМидаги улуши 0,031 фоизга, КБХТнинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 1 фоизга ошса ҳудудларнинг вилоят ЯХМидаги КБХТнинг улуши 0,125 фоизга, КБХТнинг қурилишдаги улуши 1 фоизга ошса ҳудудларнинг вилоят ЯХМидаги КБХТнинг улуши 0,017 фоизга, КБХТнинг савдодаги улуши 1 фоизга ошса ҳудудларнинг вилоят ЯХМидаги КБХТнинг улуши 0,016 фоизга ошади.

Диссертациянинг «КБХТ фаолиятини ривожлантиришнинг эконометрик таҳлили» деб, номланган иккинчи бобида Қарши шаҳридаги КБХТ субъектлари фаолиятининг ривожланганлик даражаси, инвестиция муҳити, тадбиркорлик салоҳияти ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари эконометрик таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Тадқиқотда Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳрида КБХТнинг иқтисодий тармоқлари бўйича улуши қиёсий таҳлил этилди (1-жадвал).

Қашқадарё вилоятида 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган жами кичик тадбиркорлик субъектлари сони 25297 тани ташкил қилиб 2019 йилга нисбатан 4993 тага ортган. КБХТнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)даги улуши 69,9 фоизга етган.

2020 йилда иқтисодийнинг асосий тармоқларида бири ҳисобланган саноатда КБХТнинг улуши Қашқадарё вилояти бўйича 34,7 фоизни, Қарши шаҳри бўйича эса 46,8 фоизни ташкил этди. КБХТнинг саноатдаги улуши (1-жадвал) 2020 йилда 2019 йилга нисбатан Қашқадарё вилояти бўйича 54,2 фоизга ортган.

2020 йилдаги КБХТнинг қишлоқ хўжалигидаги улуши таҳлил қилинганда Қашқадарё вилояти бўйича 99,8 фоизни, Қарши шаҳри бўйича эса 94,1 фоизни ташкил этиб 2019 йилга нисбатан Қашқадарё вилояти бўйича 0,1 фоизга ортган ва Қарши шаҳрида эса 27,6 фоизга камайган.

### 1-жадвал

#### Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳрида КБХТнинг иқтисодий тармоқлари бўйича улуши, фоизда<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар										2020 йил 2011 йилга нисбати (фоизда)	2020 йил 2019 йилга нисбати (фоизда)
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Базисли	Занжир- симон
	1. Саноатда:											
-Қашқадарё вилояти бўйича	16,0	15,7	21,9	24,4	25,1	27,0	23,1	22,0	22,5	34,7	116,9	54,2
- Қарши шаҳри бўйича	86,1	58,6	66,9	64,6	67,8	68,8	57,2	60,0	64,6	46,8	-45,6	-27,6
2. Қишлоқ хўжалигида:												
-Қашқадарё вилояти бўйича	99,0	98,9	99,0	99,4	99,5	99,3	99,4	99,4	99,7	99,8	0,8	0,1
-Қарши шаҳри бўйича	96,2	94,1	96,4	99,7	98,5	98,8	96,6	97,5	99,8	94,1	-2,2	-5,7
3. Савдода:												
-Қашқадарё вилояти бўйича	39,8	35,0	36,0	35,5	38,0	85,9	85,4	85,3	89,5	90,0	126,1	0,6
- Қарши шаҳри бўйича	55,2	56,5	60,8	60,9	62,8	65,0	46,8	49,6	85,4	80,6	46,0	-5,6
4. Инвестицияда:												
-Қашқадарё вилояти бўйича	18,0	15,1	14,1	14,7	15,0	16,8	11,6	12,6	29,7	30,2	67,8	1,7
-Қарши шаҳри бўйича	10,1	10,6	11,2	11,5	11,6	12,0	12,6	12,0	21,9	16,8	66,3	-23,3

КБХТнинг савдодаги улуши Қашқадарё вилояти бўйича 90,0 фоизни, Қарши шаҳри бўйича эса 80,6 фоизни ташкил этган. КБХТнинг савдодаги улуши 2020 йилда 2019 йилга нисбатан Қашқадарё вилояти бўйича 0,6 фоизга ортди, Қарши шаҳрида эса 5,6 фоизга камайган.

<sup>8</sup> Давлат статистика қўмитаси ва Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Инвестициядаги КБХТнинг улуши Қашқадарё вилояти бўйича 67,8 фоизни, Қарши шаҳри бўйича эса 66,3 фоизни ташкил этган. КБХТнинг инвестициядаги улуши 2020 йилда 2019 йилга нисбатан Қашқадарё вилояти бўйича 1,7 фоизга ортган, Қарши шаҳрида эса 23,3 фоизга камайган.

Тадқиқотда Қашқадарё вилояти шаҳар ва туманлари иқтисодий тармоқларида КБХТ субъектларининг улуши таҳлил этилди (2-жадвал). Тадқиқот натижасида ҳудудлар кесимида КБХТнинг жами 2020 йилда саноат маҳсулотигаги энг юқори улуши Китоб (96,5 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (83,2 фоиз), Яккабоғ (80,0 фоиз) Шаҳрисабз (77,8 фоиз), Миришкор (76,9 фоиз) ва Чироқчи (74,0 фоиз) туманлари хиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Нишон (4,5 фоиз), Ғузур (5,0 фоиз), Дехқонобод (16,7 фоиз), Муборак (29,9 фоиз) ва Касби (34,8 фоиз) туманларида КБХТнинг улуши энг пастлиги кузатилди. Бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 46,8 фоизни ташкил қилган.

## 2-жадвал

### Қашқадарё вилояти шаҳар ва туманлари иқтисодий тармоқларида КБХТ субъектларининг улуши<sup>9</sup>

Шаҳар ва туманлар	Саноат			2020 йилнинг 2019 йилга нисбати (%)	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги			2020 йилнинг 2019 йилга нисбати (%)	Қурилиш			2020 йилнинг 2019 йилга нисбати (%)	Савдо			2020 йилнинг 2019 йилга нисбати (%)
	2018	2019	2020		2018	2019	2020		2018	2019	2020		2018	2019	2020	
Қарши ш.	60,0	64,6	46,8	-27,6	97,5	99,8	94,1	-5,7	76,8	84,3	79,9	-5,2	49,6	85,4	80,6	-5,6
Шаҳрисабз ш	56,3	54,0	83,2	54,1	98,2	98,9	99,0	0,1	73,7	63,8	63,9	0,2	90,8	92,6	97,7	5,5
Ғузур	2,5	2,2	5,0	127,3	99,1	99,5	98,9	-0,6	96,4	97,6	68,5	-29,8	95,3	92,1	97,6	6,0
Дехқонобод	12,0	12,2	16,7	36,9	98,7	99,7	99,3	-0,4	100,0	100,0	100,0	0,0	98,5	91,3	99,1	8,5
Қамаши	63,8	93,2	59,6	-36,1	99,6	99,6	99,6	0,0	98,5	99,3	99,7	0,4	98,1	92,6	99,1	7,0
Қарши т.	25,5	28,8	48,7	69,1	98,9	99,9	99,6	-0,3	48,7	99,8	100,0	0,2	96,9	91,3	96,0	5,1
Косон	26,8	43,2	52,4	21,3	100,0	100,0	99,8	-0,2	100,0	48,0	82,0	70,8	98,5	92,0	99,4	8,0
Китоб	100,0	100,0	96,5	-3,5	96,4	99,6	99,1	-0,5	98,3	99,44	100,0	0,6	95,4	91,8	94,9	3,4
Миришкор	39,6	78,7	76,9	-2,3	99,7	99,8	99,3	-0,5	96,5	100,0	100,0	0,0	95,3	89,9	99,2	10,3
Муборак	1,6	1,7	29,9	70,6	98,5	99,4	97,7	-1,7	79,8	85,1	77,8	-8,6	96,9	88,4	96,9	9,6
Нишон	5,2	11,2	4,5	-59,8	97,6	99,7	94,7	-5,0	89,9	100,0	99,9	-0,1	98,2	91,0	99,0	8,8
Касби	27,6	59,0	34,8	-41,0	99,4	99,6	95,3	-4,3	100,0	95,8	94,5	-1,4	98,1	91,3	98,7	8,1
Чироқчи	73,3	79,4	74,0	-6,8	99,8	100,0	99,8	-0,2	97,0	100,0	100,0	0,0	98,5	91,8	97,6	6,3
Шаҳрисабз	67,8	79,5	77,8	-2,1	99,5	100,0	99,5	-0,5	100,0	100,0	100,0	0,0	99,9	76,7	91,3	19,0
Яккабоғ	70,2	79,7	80,0	0,4	99,6	99,5	99,3	-0,2	96,4	80,6	100,0	24,1	97,7	90,9	96,9	6,6
<b>Ўртача</b>	<b>42,1</b>	<b>52,5</b>	<b>50,7</b>	<b>-3,5</b>	<b>98,8</b>	<b>99,7</b>	<b>98,3</b>	<b>-1,3</b>	<b>90,1</b>	<b>90,2</b>	<b>91,1</b>	<b>0,9</b>	<b>93,8</b>	<b>89,9</b>	<b>96,3</b>	<b>7,0</b>

2020 йилда КБХТнинг қурилиш соҳасидаги энг юқори улуши Дехқонобод, Қарши т, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Нишон (99,9 фоиз), Қамаши (99,7 фоиз) ва Касби (94,5 фоиз) туманларида кузатилди. Қарши шаҳрида 79,9 фоизни ташкил қилган.

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси

Қарши шаҳрида КБХТ субъектларининг иқтисодий тармоқларидаги улуши COVID-19 вируси таъсири оқибатида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан саноатда 27,6 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5,7 фоизга, қурилишда 5,2 фоизга, савдода 5,6 фоизга камайиши кузатилди. Бу кўрсаткичлар 2019 йилда 2018 йилга нисбатан саноатда 7,7 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2,4 фоизга, қурилишда 10,0 фоизга, савдода 72,2 фоизга ошган эди.

Қашқадарё вилояти шаҳар ва туманлари иқтисодий тармоқларида КБХТ субъектларининг улуши диаграмма кўринишида қуйидагича ифодаланди.



**2-расм. Қашқадарё вилояти шаҳар ва туманлари иқтисодий тармоқларида КБХТ субъектларининг улуши**

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятига давлат аралашувининг кескин камайиши, ҳисобот топширишнинг қисқартирилиши ва соддалаштирилиши, солиққа тортишда имтиёзлар киритилиши, кредитлашда кенг қулайликлар яратилганлиги Қашқадарё вилояти иқтисодий муҳитида кичик бизнес субъектлари салмоғини мустаҳкамлаган. Хусусан, вилоятда сўнгги йилларда кичик бизнес ривожланишининг асосий тармоқ (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, пуллик хизмат)лари бўйича нисбий барқарор динамика кузатилганлиги ҳолда, шаҳар ва туманлар миқёсидаги динамик беқарорлик алоҳида тадқиқот ёндашувини тақозо этади. Чунки, асосий тармоқлардаги кичик бизнес ривожланишининг таҳлили туманлараро тафовутнинг жиддий даражада сақланаётганлигидан далолат бермоқда. Фикримизча, минтақа инфратузилмасида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг яхши ташкил этилиши иш билан бандлик муаммосининг юмшатилишини, аҳоли реал даромадлари ортишини, солиқ тушумлари кўпайишини, маҳаллий бюджет даромадлари ўсишини, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳити яратилишини ҳамда турли секторлар орасидаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланишини таъминлайди.



Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва туманларнинг иқтисодий тармоқларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо) КБХТ субъектларининг улуши занжирсимон усулда статистик таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида барча тармоқларда 2020 йилда олдинги йилларга нисбатан ривожланиш кўрсаткичларининг пасайиши кўзатилди. Кўрсаткичларнинг пасайишини 2020 йилда Ўзбекистонда коронавирус пандемияси туфайли карантин тадбирларининг жорий этилиши билан изоҳланди.

Тадқиқотда Қашқадарё вилоятига чегарадош вилоятларнинг марказий шаҳарларида КБХТ субъектлари сони (ҳар 1000 аҳолига бирликда) қиёсий таҳлил қилинди (3-жадвал). Қарши шаҳрида 2020 йилда тадбиркорлик субъектлари сони 5421 тани ташкил этган бўлса, тадбиркорлик субъектлари сони Бухоро шаҳрида 6892 тани, Самарқанд шаҳрида 6756 тани, Навоий шаҳрида 4469 тани, Термиз шаҳрида 7021 тани ташкил этган. Бу шаҳарларда 2020 йилда КБХТ субъектлари сони (ҳар 1000 аҳолига бирликда) бўйича кўрсаткич Самарқанд шаҳрида 81,7 бирликни, Қарши шаҳрида 51,4 бирликни, Бухоро шаҳрида 40,8 бирликни, Навоий шаҳрида 32,9 бирликни, Термиз шаҳрида 21,3 бирликни ташкил этган.

### 3-жадвал

#### Қашқадарё вилоятига чегарадош вилоятларнинг марказий шаҳарларида КБХТ субъектлари сони таҳлили, (ҳар 1000 аҳолига бирликда)<sup>10</sup>

Шаҳарлар номи	2017	2018	2019	2020	2020 йилни 2019 йилга нисбати (фоизда)
Қарши шаҳри	77,7	70,7	61,3	51,4	-16
Термиз шаҳри	59,8	38,3	22,9	21,3	-7
Навоий шаҳри	46,9	40,7	37,0	32,9	-11
Самарқанд шаҳри	97,8	96,2	88,0	81,7	-7
Бухоро шаҳри	52,2	45,6	42,5	40,8	-4

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ўрганилган шаҳарлардаги КБХТ субъектлари сони (ҳар 1000 аҳолига бирликда) бирлиги йилдан йилга камайиб бормоқда. Бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан бошқа шаҳарлардан энг паст кўрсаткични яъни 16 фоизга камайганлигини кўрсатди. Навоий шаҳрида эса 11 фоизга, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида 7 фоизга, Бухоро шаҳрида 4 фоизга камайган.

Тадқиқотда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри ва Қарши шаҳрига чегарадош туманларнинг тадбиркорликка мойиллик даражаси ўрганилди (4-жадвал). Қашқадарё вилоятининг тадбиркорликка мойиллик даражаси 2020 йилда 2,65 ни кўрсатди. Тадбиркорликка мойиллик даражаси Қарши шаҳрида 8,19 ни, Косон туманида 2,44ни, Ғузор туманида 1,72ни, Чироқчи туманида 1,82ни, Касби туманида 1,42ни ташкил этган.

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси

Тадбиркорликка мойиллик даражаси Қарши шаҳри бўйича олиб қаралганда вилоят ва чегарадош туманлар кўрсаткичларига нисбатан юқори эканлиги тадқиқ этилди.

Қарши шаҳрида 2020 йилда жами меҳнат ресурслари сони 167 мингни ташкил этиб, шундан КБХТда банд бўлган аҳоли (ТБ) 66,12 минг кишини, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони (ТС) 5421 тани ташкил қилди.

Шаҳарнинг тадбиркорликка мойиллик даражаси (ТМД) ва унинг қиймати қуйидагича аниқланди:

$$\text{ТМД} = \text{ТС} / \text{ТБ} * 100 = 5421 / 66120 * 100 = 8,19 \quad (7)$$

Қарши шаҳрининг тадбиркорликка мойиллик даражаси 8,19 ни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 1,6 мартага ошган.

#### 4-жадвал.

#### Худуд меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражаси<sup>11</sup>

Йиллар		2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йилни 2015 йилга нисбатан, марта.
КБХТ субъектлари сони, бирлик	Қашқадарё в	11820	12450	14347	16218	20304	25297	2,14
	Қарши ш	3213	3247	3442	3835	4489	5421	2,03
	Косон т	1276	1368	1314	1424	1633	1721	1,35
	Ўзур т	662	763	635	719	802	890	1,34
	Чироқчи т	987	1053	1081	1262	1618	2016	2,04
	Касби т	472	450	441	496	779	840	1,78
КБХТда банд бўлган аҳоли, минг киши	Қашқадарё в	889,30	894,30	974,40	980,04	977,60	954,11	1,07
	Қарши ша	63,10	63,70	63,10	64,62	65,21	66,12	1,05
	Косон т	52,62	56,42	61,31	65,76	67,62	70,66	1,34
	Ўзур т	46,96	47,88	48,79	49,53	50,42	51,70	1,10
	Чироқчи т	111,84	119,01	123,61	111,52	109,48	110,53	0,99
	Касби т	56,03	59,86	57,62	65,59	58,04	59,02	1,05
КБХТга мойиллик даражаси, %	Қашқадарё в	1,33	1,39	1,47	1,65	2,08	2,65	1,99
	Қарши ш	5,09	5,10	5,45	5,93	6,88	8,19	1,60
	Косон т	2,42	2,42	2,14	2,17	2,41	2,44	1,00
	Ўзур т	1,41	1,59	1,30	1,45	1,59	1,72	1,22
	Чироқчи т	0,88	0,88	0,87	1,13	1,48	1,82	2,07
	Касби т	0,84	0,75	0,77	0,76	1,34	1,42	1,69

Тадбиркорликка мойиллик даражаси меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка қизиқиши ва уни уddалай олиши мумкинлигини англатади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шаҳар ёки тармоқнинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва қайси жойда қандай тадбир ўтказиш йўналишларини белгилашга имкон яратади.

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

Диссертациянинг « Қарши шаҳрида КБХТ фаолияти ривожланишини прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш» номли учинчи бобида Қарши шаҳрида КБХТнинг ҳозирги ҳолати, динамикаси ва ривожланишининг эконометрик моделлари такомиллаштирилган. КБХТнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олиб Қарши шаҳридаги КБХТнинг ўрта муддатли (2021-2025 йиллар учун) прогноз вариантлари ишлаб чиқилган.

Қарши шаҳрида КБХТлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажми ҳамда КБХТ фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни қуйидагича белгилаб олдик:

КБХТлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ҳажми (млрд сўм)-  $Y$ ;

КБХТда банд бўлганлар сони -  $X_1$ ;

КБХТга киритилган инвестициялар (млрд сўм)-  $X_2$ ;


КБХТ корхоналари сони -  $X_3$ ;

КБХТ асосий фондлари қиймати (млрд сўм)-  $X_4$ ;

Қарши шаҳрида КБХТ фаолиятини ривожлантириш жараёнларини баҳолашда тренд моделларидан фойдаланилди. Қарши шаҳрида КБХТ фаолиятини ривожлантириш учун  $n$ -кўрсаткичли ва экспоненциал кўринишдаги тренд моделлари ҳосил қилинди.

Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тренд моделлари тузилиб, таҳлил қилинди, шунингдек уларнинг графиклари тасвирланди.

Қарши шаҳрида КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш жараёнини прогнозлаш учун тузилган тренд модели 3-расмда кўрсатилган.




### 3- расм. Қарши шаҳрида КБХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми<sup>12</sup>

Ҳосил қилинган тренд модели натижалари таҳлилдан  $R^2 = 0,8417$ ,  $F_{\text{ҳисоб}}=3234$ ,  $t_{\text{ҳисоб}}=54,12$  ( $\alpha = 0,05$  бўлганда,  $t_{\text{жад}}=2,1314$ ,  $F_{\text{жад}}=2,4034$ )га тенг

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси.

бўлган вақтда,  $y = 0,612t^2 - 5,5017t + 41,295$  кўринишдаги регрессия тенгламаси танлаб олинди.

Қарши шаҳрида КБХТ фаолиятида банд бўлган ишчилар сонини ўзгариш жараёнини прогнозлаш учун ҳисобланган тренд моделлари 4-расмда кўрсатилган. Ҳосил қилинган тренд модели натижалари таҳлилига кўра,  $R^2 = 0,9566$ ,  $F_{\text{ҳисоб}} = 3203$ ,  $t_{\text{ҳисоб}} = 52,56$  ( $\alpha = 0,05$  бўлганда,  $t_{\text{жад}} = 2,1314$ ,  $F_{\text{жад}} = 2,4034$ ) га тенг бўлган вақтда,  $X_1 = 0,0063t^3 - 0,168t^2 + 1,6083t + 4,5491$  кўринишдаги регрессия тенгламаси танлаб олинди.



**4 - расм. Қарши шаҳрида КБХТ фаолиятида банд бўлган ишчилар сонини тренд модели<sup>13</sup>.**

